

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ

Абдихатов Х., ГулДУ доценти

Маълумки, бошланғич таълим боланинг дунёқарашини шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Ушбу даврда таълим берувчи ўқитувчининг маҳорати туфайлигина болаларнинг фанлар кўзлаган мақсадга эришиши амалга оша бошлайди ва келажакка “база” бўлиб хизмат қилади. Президентимиз И. А. Каримов таълим соҳасини ислоҳ қилиш арафасида сўзлаган нутқида бу ҳақда шундай фикр билдирганлар: Ваҳоланки, боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийларни бириктириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади.

Таълим жараёнида боланинг дунёқарашини шаклланишида ҳуқуқий таълим тарбия муҳим ўрин тутати. Ҳозирги кунда жамиятимизда ҳуқуқий таълим–тарбияни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга давлатимиз алоҳида эътибор билан қарамоқда.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” да “Ҳуқуқий таълим узлуксиз бўлиб, ёшликдан бошлаб бериб борилиши лозим. Болалар ҳуқ – атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва баъзи ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгусида бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши, аниқ ифодаланган ҳуқуқий хусусият касб этиши зарур” дейилган.

2001 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” ги фармойиши асосида мамлакатимиз таълим тизимининг барча босқичларида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” ўқув курси жорий қилинди. Мазкур ўқув курси Ўзбекистон Конституциявий ҳуқуқининг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, у узлуксиз таълимда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Конституция давлатнинг асосий қонуни эканлиги, унда давлат суверенлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари нима эканлиги, шахснинг қандай ҳуқуқлари мавжуд, уларнинг қандай қафолатланганлиги, давлат ҳокимияти каби муҳим саволларга жавоб олиш даражасида ўқувчи билим олиши керак.

Бошланғич таълимда 1-4 синфларда “Конституция алифбоси” ушбу босқичда ўқиётган болаларнинг ёш хусусиятини эътиборга олган ҳолда ҳуқуқий таълим–тарбия фанлар таркибида олиб борилади. Ҳар бир синфда 10 соатдан вақт ажратилиб, ўқитувчи “Она тили”, “Атрофимиздаги олам”, “Одобнома”, “Ўқиш”, “Табиатшунослик” дарсларида ўтиладиган мавзулар билан боғлаб ҳуқуқий тушунчалар бериб борилади. 1- синф тўрт соат “она тили” дарси ҳисобига ўтиладиган дарс мобайнида ўқувчиларнинг мустақиллик ҳақида, давлат ва унинг рамзлари, давлат бошқаруви, давлат тили ҳақида тушунча, мулкнинг турлари, конституция нима, ҳуқуқ ва бурч мавзулари ҳақида билим, малакалар берилади.

“Атрофимиздаги олам” дарсида эса ўқувчиларга табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси, электр ва газ буюмларидан фойдаланишда техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, мактабда, синфда тартиб – интизом қоидалари, уйда, меҳмонда, ошхонада ўзини тутиш қоидалари, транспорт воситаларида ўзини тутиш қоидалари, кўча ҳаракати қоидалари ва ҳ.к. ўргатилади.

“Конституция алифбоси” ўқув курсининг машғулотларида “Одобнома” дарси мавзулари “Оила муқаддас даргоҳ”, “онани севмоқ – Ватанни севмоқ”, ота – онага ҳурмат нимадан бошланади, ака – ука, опа – сингилларга муносабат қоидаларини ўрганиб олади.

“Ўзбекистон - менинг Ватаним” мавзусининг ўқитилиши жараёнида ўзбек халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддалари билан боғланган ҳолда тушунтирилиши лозим.

2 – синфнинг “Ўқиш” дарсида Ўзбекистон фуқароларининг билим олиш ҳуқуқи, мулк тушунчаси, мактаб биносининг, парта ва стулларнинг мактаб мулки эканлиги, уларни эҳтиёт қилиш зарурлиги, китобларни авайлаб асраш кераклиги, ўзининг ва ўртоқларининг мулкига муносабат ўргатилади.

3 – синфнинг она тили дарсларида давлат тили тушунчаси, ўзбек тили – давлат тили эканлиги, Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллариининг тиллари камситилмаслиги ўргатилади. Шунингдек, “Ўзбек алифбоси ёки алфавит” мавзусида - Конституция ва қонун тушунчаси, “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш” ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни, қонуннинг бажарилиши ҳамма учун мажбурийлиги тушунтирилади”.

Бундан ташқари она тили дарсларининг “Ғап” мавзусида - ҳуқуқ тушунчаси, тинчликка, халқлар дўстлигига раҳна солиш тушунчаси, инсон ҳуқуқи ва ҳуқуқларнинг қонун билан ҳимоя қилиниши, “қонун” сўзининг шарҳи, қонунчиликни билиш, конституция ва қонунларга риоя қилиниши кабилар ўргатилади.

4 – синфнинг “Ўқиш” дарсида “Ўзбекистон – Ватаним маним” мавзусида Ўзбекистон ёки Ўзбекистон Республикасининг расмий номи, Ўзбекистон халқи тушунчаси, халқнинг ҳокимият манбаи эканлиги, Ўзбекистоннинг қонунчилик органларининг инсонлар ҳаёти учун аҳамияти ва бошқалар тушунтирилади.

1 - 4 бошланғич синфларда “Конституция алифбоси” ўқув курси жами 40 соатлик дарс машғулотлари сифатида олиб борилади. Ёш авлоднинг жамиятдаги ўрнини, илғаб олишларида ҳуқуқий таълим – тарбиянинг ўрни бебаҳодир. Шунингдек, олинган билимларни ўқувчини ҳаётга тадбиқ этиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу шахснинг ҳаётида учраган ҳуқуқий муаммоларнинг ечимини топиш демакдир. Ҳуқуқий билимга, маълумотларга эга бўлган шахс, ҳуқуқий муносабатларга киришганда ўз ҳаракатларини қонун асосида амалга оширишга эришади.

Ушбу билим ва кўникмаларни ҳосил бўлишида ўқитувчининг ўзига яраша ўрни мавжуд. Ҳуқуқий таълимнинг асосини эса ҳуқуқий билим ташкил этади. Билим шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради. Ўқитувчи дарс жараёнида жамият ва давлатдаги янгиликларни ўзи мукаммал билиши ва уларни тингловчиларга ўргатиши лозим. Ўқитувчи тингловчига ҳар бир қонуннинг жамият учун инсон ҳаёти учун зарур ва авзал томонларини очиқ бера олиши керак. Ҳар бир қонун янгиликларини ўқувчи илк ўқитувчисидан эшитиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бошқалар қонун шарҳини етарли даражада билмаслиги туфайли нотўғри тушунча ҳосил қилиб қўйишлари мумкин.

Ўқитувчи ҳуқуқий таълим жараёнида тингловчиларга қуйидагиларни ўргатиши лозим:

Биринчидан, билим берилиши, билим давлат ва ҳуқуқ билан боғланган бўлиши керак.

Иккинчидан, олинган билимни ҳаётга тадбиқ этиш маҳорати ўргатилади.

Учинчидан, шахс доим ўз устида ишлаши, изланиши бирор натижага эга бўлишликка ҳаракат қилиши керак

Тўртинчидан, давлат ва жамият ишлари билан қизиқиш ҳислатларига эга бўлишни шакллантиришдан иборат.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов. И.А. Ўзбекистон Конституцияси- биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустахкам пойдевордир. Халқ сўзи 2009 йил 6- декабр.

3. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Ўзбекистон, 2001.
4. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. –Т.: Адолат, 2001.